

Farg'ona haqiqati

Bosh hamkor – Farg'ona viloyati hokimligi

http://farhaqiqat.uz/
t.me/farhaqiqati

№ 10 (24607)



Халқ депутатлари вилоят, туман-шаҳар Кенгашларининг қўшма сессияси

БАРЧАМИЗГА ДАХЛДОР БЎЛГАН МУҲИМ ВАЗИФА

Шу йилнинг 31 январь куни вилоят ҳокимлигида халқ депутатлари вилоят, туман-шаҳар Кенгашларининг қўшма сессияси бўлиб ўтди.



самараси сифатида вилоятда 656 нафар профилактика инспекторлари хизмат ўйлари билан таъминланди. Маҳаллаларда хизмат бурчини бажараётган профилактика инспекторларига имтиёзли кредитлар асосида 676 та шахсий автомобиллар берилди. Профилактика инспекторлари, постпатруль хизмати ходимларига замонавий шарт-шароитлар яратиш, эътибор ва рағбат кўрсатиш учун изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Аммо шунга қарамай 2021 йил давомида вилоят ҳудудида содир



билан боғлиқ эканлиги ачинарлидир. Жиноятга жазо муқаррарлиги таъминланмаганлиги, фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлаётгани уларнинг норозилигига сабаб бўляпти. Жиноятларнинг вақтида очилмаслиги эса жабрланувчиларнинг ички ишлар органлари, пировардида давлатга бўлган ишончини пасайтирмоқда.

Ёшлар ўртасидаги жиноятлар 2020 йилга нисбатан 77 фоизга ошиб кетгани ушбу йўналишда олиб борилган содир этилган жиноятлар мамлакат миқёсида ҳар 100 минг аҳолига 147 та, Фарғонада 278 тани ташкил этди. “Хавфсиз хонадон”, “Хавфсиз ҳовли” тамойиллари асосида жойларда маҳаллабй ишлар тўғрисида ташкил этилган натижасида вилоятдаги 1 минг 55 та МФЙнинг 991 таси ёки 94 фоизда жиноят содир этилишига йўл қўйилди. Вилоятда қайд этилган қотилликларнинг 32 фоизи оила-турмуш муносабатлари доирасида содир бўлгани ушбу йўналишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда профилактик чора-тадбирлар етарли даражада олиб борилмаганидан далолат беради.

Мамлакатимизда фош этилган қолган жиноятларнинг 29 фоизи айнан Фарғона вилояти ҳиссасига тўғри келаётгани, вилоятда фош этилмаган жиноятларнинг 66 фоизи ўғирлик, 26 фоизи фирибгарлик ҳолатлари

Таҳлил ва танқид руҳида ўтган сессия ишида сенатор И. Султонов, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари Д. Меҳмонова, Б. Раҳмонов кўрилган масала бўйича ўз муносабатларини билдиришди.

Сессияда фаолияти мобайнида жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйган масъуллар жиддий огоҳлантирилди, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ижобий натижага эришган МФЙ раиси, профилактика инспекторларига вилоят ҳокимлигининг фахрий ёриқлари топширилди.

— Жиноятчиликка қаршииш курашиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг иши эмас. Бу барчамизга дахлдор бўлган вазифа, — деди вилоят ҳокими. — Айни йўналишда маҳаллада иш бошлаган ҳоким ёрдамчиси, Ёшлар ишлари агентлиги вакили, кенг жамоатчилик зиммаларидаги бурч ва масъулиятни теран ҳис этишлари зарур.

Сессияда кун тартибига киритилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

Кун жараёни



«ОҚАРИҚОБОД»ДА АМАЛИЙ СЕМИНАР

Фарғона шаҳрининг энг чекка ҳудуди бўлган “Оқариқобод” маҳалла фуқаролар йиғинида вилоят миқёсида ташкил этилган амалий семинар маҳаллабй ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича шаҳар ва туманлар ҳокимлари ёрдамчилари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш масалаларига бағишланди. Унда вилоят ҳокими ўринбосарлари, секторлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, масалага дахлдор бошқармалар бошлиқлари, ҳоким ёрдамчилари иштирок этди.

Семинар аввалида “Фарғона баҳайро” агрофирмаси тасарруфидаги 12,7 гектар ерда узумчилик корпорациясини ташкил этиш бўйича кўргазма ташкил этилди.

Бу майдонда 20 сотихдан иборат 58 та лотлар тайёрланди. Уларни маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги истиқомат қилувчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган, шунингдек, вақтинча иш билан банд бўлмаган фуқароларга бириктириш бўйича рўйхат шакллантирилди. Иштирокчиларга ерларни эҳтиёжмандларга бириктириш тартиби, қўлат ўтқазиш ва парваришlash агротехникаси, ниҳоллар мевага киргунга қадар оралик майдонлардан унумли фойдаланиб, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йўл-йўриқлари ҳамда узумчилик корпорациясининг афзаллиқ ҳақида тушунчалар берилди.

Семинарда иштирок этган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров маҳаллабй ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича шаҳар ва туманлар ҳокимлари ёрдамчилари билан суҳбатлашди. Янги тузилмани ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад ва унинг самарадорлиги ҳақида гапириб ўтди, жойларда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолардан қўчмай астойдил фаолият юритиш, халқ ишончини қозониш, уларнинг давлатдан рози бўлиб яшашлари-

га қўмаклашиш бўйича тавсиялар берди.

Хайрулло Бозоров вилоятнинг энг илғор қўлатчилик хўжалиқлари, балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик билан шуғулланиб келаётган фермерлар, оилавий қорхоналар, кишлоқ хўжалиги соҳасида техник ва технологик хизмат кўрсатиш ташкилотлари, банк муассасалари томонидан тайёрланган кўргазмалар билан танишди. Деҳқон ва боғбонлар билан мулоқот қилди. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги хонадонларга кириб, уларнинг томоққандан самарали фойдаланиш тажрибалари ҳақида суҳбатлашди.

— Ававал иссиқхона хўжалигида ишлаган эдим, тажрибамдан келиб чиқиб, уйимизда бир нечта иссиқхона қўрдик, ҳозирда бу жойларда бўлғор қалампир, сабзавот, қўкат маҳсулотлари етиштиряпмиз. Томорқадан олаётган даромадимиз 6 кишилик оиламиз рўзгорини бўлаб турибди. Қорамол, парранда парваришляямиз. Инсон ҳаракат қилса, мақсадига етишар экан, — дейди Оқариқобод қўчасида яшовчи Зулфияхон Қамбаров.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров семинар доирасида шаҳар-туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, масалаларга дахлдор бўлиб ва бошқармалар раҳбарлари билан кўннинг долзарб масалалари бўйича мулоқот ўтказди, уларга тегишли топшириқлар берди.

Рустам ОРИПОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сонли қарори билан тасдиқланган “Уй-жой сотиб олиш ёки яқна тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда кам таъминланган ва уй-жойга муҳтож аҳолининг маъмурий барча тартиб-тамоийллари белгилаб қўйилган.

Аччиқ аммо очик гаплар

Масъуллар масъулиятиними?

Ёки нега субсидияга берилган аризалар кўриб чиқиши муддатларига ҳаммиша рўя этилмаяпти?

қилинганда, ваколатли идоралар томонидан тизими равишда қонун бузилишига йўл қўйилаётгани аниқланди.

Давлат хизматлари агентлиги тизимига вилоятда 2021 йил мобайнида 7 минг 326 та аризалар келиб тушган бўлиб, шундан 2 минг 581 таси ижобий ҳал этилган. Аризаларнинг салмоқли қисми мурожаатчининг оилавий шароити, даромади белгиланган тартибга тўғри келмагани боис, бу асосли сабаблар кўрсатилгани ҳолда рад этилган.

Низомнинг 15-бандига кўра, масъул ташкилотлар ўн иш куниди ариза берувчининг ижтимоий мезонлар-

га мувофиқлигини тақдим этилган ҳужжатлар асосида ташкилотларда мавжуд маълумотлар базаси билан солиштирилган ҳолда ўрганиб чиқиши керак. Шундан сўнг ягона ижтимоий давлат хизматлари порталида онлайн электрон шаклда маълумотларни тасдиқлаши зарур. Аммо ҳамиша ҳам ушбу талабга рўя этилмапти.

— 2021 йилда 678 та аризаларни кўриб чиқишда муддат бузилишига йўл қўйилган, — дейди Давлат хизматлари агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Элёр Эхсонов. — Энг кўп ҳолатлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида 386 та, 225 маротаба тижорат банкларида аниқланган. Шунингдек, аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида 35 та, маҳаллий ҳокимликларда 31 та, давлат солиқ инспекцияларида 30 та муддат бузилиши ҳолати қайд этилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимида ҳам ана шундай камчиликларга йўл қўйилган.

Биз бу борада вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси масъуллари билан гаплашиб, вазиятга аниқлик киритишга ҳаракат қилиб кўрдик. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича мутахассис Орифжон Абдуллаев субсидия ажратишда аризаларни кўриб, хулоса бериш кераклиги бўйича масъул маслиҳатини таъкидлади. Соғлиқни сақлаш бошқармасининг кадрлар билан ишлаш бўйича мутахассиси ҳам бу ишга масъул ходимни топиб бера олмади.

Маълум бўлишича, айнан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ижтимоий давлат хизматлари порталига интеграция қилинмаган. Шу боис, субсидия олиш учун ёзилган ари-

заларни кўриб чиқиш борасида энг кўп қонунбузилиши соғлиқни сақлаш тизимида учрайди.

Марказий банкнинг Фарғона вилоят бош бошқармаси ходими Жаҳонгир Тўхтаевнинг айтишича, тижорат банкларида электрон рақамли имзо қалитлари фақат бир ҳолда берилгани туфайли аризаларни ўз вақтида кўриб чиқишда муаммолар бўлаётгани рост. Субсидия олиш бўйича ёзилган аризаларда ноаниқликлар кўп учраши ва ўрганишга вақт кетиши ҳам кечикишга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ўтган йили “Агробанк”, “Ипотекабанк” каби бир қатор банклар масъулларига интизомий жазо чоралари қўлланди.

Аризаларни кўриб чиқиш ва субсидия ажратишга хулоса беришда муддат бузилиши ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Риштон тумани (99 та), Қўва тумани (86 та), Қўқон шаҳри (79 та), Бағдод тумани (65 та), Фарғона шаҳри (51 та), Тошлоқ тумани (49 та), шунингдек, Данғара, Олтиариқ, Фарғона, Ўзбекистон туманлари ҳамда Марғилон шаҳрида кўп қўлатилди. Умуман олганда, субсидия бўйича ёзилган аризаларни ўз муддатда кўриб чиқмаслик ҳолати вилоятнинг деярли ҳар бир шаҳар-туманида учрайди.

Низомнинг 34-бандида комиссия талабгорларни аниқлаш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни, масъул ташкилотларнинг баҳолаш натижаларини олган кундан бошлаб 7 иш куниди уларнинг ушбу низом талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиши лозимлиги белгиланган. Афсуски, туман-шаҳар ҳокимликларида ташкил этилган комиссиялар томонидан 52 та мурожаатларни кўриб чиқишда мазкур муддат бузилишига йўл қўйилган. Бундай ҳолат энг кўп Олтиариқ туманида (14 та) ва Бувайда туманида

(13 та) учрайди. Шунингдек, Бағдод, Фарғона, Данғара туманларида ҳам муддат бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни қўзатиш мумкин.

— 2022 йилнинг январь ойида 1737 та аризалар келиб тушиб, 96 тасига ижобий хулоса берилган бўлса, аксарият аризалар асосли сабаблар билан рад этилган, — дейди Давлат хизматлари агентлигининг Фарғона вилояти бошқармаси бўлими бошлиғи Фарҳоджон Нугманов. — Шу билан бирга, мурожаатларни кўриб чиқишда 30 та ҳолатда муддат бузилишига йўл қўйилган. Бу борадаги масъулиятсизлик давлат солиқ инспекцияларида (7 та), кадастр идораларида (7 та), тижорат банкларида (6 та), маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимида (5 та) кўпроқ учрайди. Ҳудудлар кесимида эса Ўзбекистон туманида (9 та), Фарғона шаҳрида (6 та), Бағдод туманида (4 та) муддат бузилиши ҳолатлари қўзатилган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича чора қўриш учун ваколатли органларга 7 та тақдиминома, 92 та огоҳлантириш хати киритилди. Ўз навбатида, 24 нафар масъул ходимлар маъмурий жавобгарликка ҳамда 7 нафари интизомий жазога тортилди.

Юртимизда ҳар бир оила ўз уйига эга бўлиши, айни жараёнда аҳолининг кам таъминланган қатламида давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрли ташаббус “Одамлар эртага, узок келажақда эмас, бугун бахтли яшати керак” деган эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган билан аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам бу борада масъул идораларнинг баъзи масъулиятсиз раҳбарларининг совуққонлиги, боқибегамлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди...

Ботир МАДИЁРОВ.



ҲОКИМЛАР КУТУБХОНАДА

Шаҳар ва туманлар ҳокимлари Бувайда тумани ахборот-кутубхона марказида бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди.

Мамакатимизда китобхонликини ривожлантириш, аиникса, ёш авлодни китоб мутулаасига ўргатиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида ҳудудларда янги зиё масканлари ташкил этиляпти. Данғара, Ёзёвон туманида ахборот-кутубхона маркази учун янги бинолар қуриб, фойдаланишга топширилди. Қува, Қўштепа, Учкўприк, Бувайда туманидаги кутубхоналар таъмирланди, Бағдод тумани ахборот-кутубхона марказига эса янги бино қурилмоқда. Шунингдек, бошқа туманларда ҳам намунавий лойиҳалар асосида замонавий бино билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Айни кўнларда ҳудудларда 18 та ахборот-кутубхона марказлари аҳолига хизмат кўрсатаётган бўлиб, уларнинг фондини бойитишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бувайда туман ахборот-кутубхона марказининг таърибаси вилоятда ибрат олишга аргизулик. Марказ хизматидан 14 мингдан ортиқ аҳоли

фойдаланмоқда. Биргина ўтган йилда 100 миллион сўмлик 3 минг 936 донга адабиётлар сотиб олинди. 64 мингдан зиёд китоб фондига эга кутубхонада китобхонлар учун барча шароитлар бор. Интернет тармоғига уланган, Wi-Fi зонаси мавжуд. Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров ҳафта бошида ўтказилган ҳокимлик соатида бу таърибани барча ҳудудларда оммалаштириш, шахсан ҳокимлар китобхонликини ривожлантиришга масъул эканлиги бўйича кўрсатма берган эди.

Ҳокимлар Республика Маънавият ва маърифат маркази Бувайда тумани бўлинимси фаолиятини ҳам ўрганишди. Тумандаги бу икки зиё маскани фаолияти намунали ташкил этилган бўлиб, бу борада эришилаётган ютуқлар вилоят, республика миқёсида юксак эътироф этилмоқда.


— Маълумки, кейинги йилларда юртимизда китобхонлик, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратиляпти,— дейди Тошлоқ тумани ҳоқими Абдуқаҳҳор Жўрабоев. — Шу боис, айни жараёнда Бувайда туманида эришилаётган ютуқлар биз учун ўзига хос ибрат мактаби бўлади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.

Farg'ona haqiqati

Фарғона шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси вилоят филиали очилди.

ЯНГИ ФИЛИАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШГА КЎМАКЧИ



Мамакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилганлиги хоржий инвестициялар оқимининг сезиларли даражада кўпайиши ҳамда истиқболли лойиҳаларни ишга туширилишига хизмат қилмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятига ўтган йилда 512 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилди, 752 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. 81 та янги хоржий сармоя иштирокидаги қўшма корхоналар ўз фаолиятини бошлади.

Вилоят иқтисодиётига 2022 йилда бир миллиард доллар миқдорда хоржий инвестициялар ва кредит линиялари маблағларини жалб қилиш режалаштирилган. Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси “Milliy sanoat holding” масъулияти чекланган жамияти вилоят филиалининг ташкил этилиши эса бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Жамғарма рақобатбардош маҳаллий компанияларга инвестициялар киритиш, шунингдек, хусусий маҳаллий ва хоржий инвесторлар билан узоқ муддатли ўзаро фойдали шериклик муносабатларини йўлга қўйишга хизмат қилади.

Филиалнинг очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳоқими ўринбосари Х.Аҳмедов Фарғона вилояти иқтисодиётига хоржий инвестицияларни жалб этиш ва вилоят экспорт ҳажмини оширишга мазкур жамғарманинг муносиб ҳиссаси қўшилишини таъкидлади. Бу ерда барча шароитлар яратилган бўлиб, инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилади. Шунингдек, вилоятнинг инвестицион салоҳияти ва имкониятлари хоржида тарғиб этилади.

М. МЎМИНОВ.

М. ҚОДИРОВ олган суратлар.

Муносабат

МАЪНАВИЯТЛИ ИНСОНЛАР ВАТАНИНИ СЕВАДИ



26 январь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаи юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида урғу берилди. Маънавият соҳасига оид чора-тадбирлар муҳокама қилинар экан, 12 мингдан зиёд кутубхона имкониятларидан самарали фойдаланиш, мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш муҳимлиги қайд этилди.

Мустақилликнинг илк кўнлариданоқ, маънавият масаласига алоҳида аҳамият берилган бўлса-да, маълум вақт соҳадаги камчиликлар ўз ечимини топмасдан келаётган эди. Бунинг оқибатида таққи кўчлар миллий маънавиятимизга ўз таъсирини ўткази бошлади. Натижада баъзи ёшлар билиб-билмай диний оқимлар таъсирига тушиб қолди, билим олиш, ақл-заковатларини соғлом ғоялар билан бойитиш ўрнига боши берк кўчага кириб қолдилар. Бундан нафақат ўзлари, балки оила аъзолари, ақинлари, қолаверса, давлат ҳам жабр кўрди.

Бугунги кўнда ёшларни ватанлар-

варлик руҳида тарбиялаш, уларни баркамол авлод бўлиб воёга етишида Маънавият ва маърифат марказларининг ўрни бекиёс. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда соҳага оид қатор хужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Натижада маънавий бўшлиқлар тўлдирилди, унутилган қадриятларимиз қайта тикланди, тилимиз, динимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримиз янгича мазмун билан бойиди.

Айниқса, келажакимиз авлодларининг таълим-тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди. Уларнинг чўқур билим олиши, истиқдор ва истеъдодларини юзга чиқариши, касб-хўнар

ўрганишларига бекиёс имкониятлар яратилди. Мактабларга ёзувчи-шоирлар, журналистлар, маданият ва маънавият ходимларидан иборат ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар бириктирилди.

Шунингдек, инсон қадрини улуғлаш давлатнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди. Юртдошларимизнинг жамият тараққиёти йўлидаги дахлдорлик тўйғуларини юксалтириш мақсадида “**Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳоний**” тамойили асосида маҳаллалар кесимида “маҳаллабай”, “хонадонбай” тарғибот гуруҳлари тўзилиб, улар таркибига нуфузли олиғхўларнинг профессор-ўқитувчилар, юксак маънавиятли зиёли инсонлар киритилди. Тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюшмадан, ишсиз ёшлар билан янги-ча ишлаш тизимини жорий этиш мақсадида “**Ҳар бир нуруний — беш нафар ёш мураббий**” тамойили ҳаётга татбиқ этилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Агар жамият ҳаётининг танази иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иқикта мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — ажждоларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган

кучли маънавият”.

Куни-кеча имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ҳам маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тўдан ислох этиш ва янги босқичга олиб чиқиш йўналишида бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Уларни амалга оширишда аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимизнинг бой тарихи, илмий-маданий мероси, миллий-диний қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, мактабларни чинакам маънавият ва маърифат, маданият ўчоғига айлантириш учун таълим-тарбиянинг интерактив усулларини қўллаш, мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш кўникмасини шакллантириш каби энг муҳим устувор вазифалар белгилаб берилди.

Келгусида соҳамиз вакиллари “Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган” Ҳаракатлар стратегиясидан — тараққиёт стра-

тегияси сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умум-миллий ҳаракатга айлантиришни олдимизга мақсад қилиб оламиз. “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш учун янада шижоатли бўлишимизни ишонч билан айтишим мумкин.

Биз, маънавият ходимлари, шу юрт равнақи, халқ фаровонлиги учун туну кун меҳнат қилаётган Президентимизнинг ёнида туриб ишлашимиз зарур. Ёшларимиз қалбига ватанпарварлик руғунини сочиб, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан халқимизни ақиндан таништириш, тарихий обидаларга зиёратлар уюштириш, муҳим сана ва байрамларни нишонлаш каби тадбирлар эса салоҳиятли кадрларни аниқлашга, “Ҳалоллик вакцинаси”ни қалбларга синдириб, коррупциянинг олдини олишга хизмат қилади. Бунинг учун биздан катта масъулият ва Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат талаб этилади.

Хурсаной ИСЛОМОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилоят бўлими раҳбари,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

Ҳоким ёрдамчилари фаолияти

ХАЛҚ КОРИГА КАМАРБАСТАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги «Маҳаллада тадбиркорликини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, жорий йил 1 январь санасидан маҳаллаларда тадбиркорликини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари ўз фаолиятларини бошлади.

Хўш, бугун улар нималар билан банд?

Аввало, барча маҳаллаларда аҳоли хатловдан тўлиқ ўтказилди. Тадбиркорлик қилиш истағида бўлган фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, ичимлик суви, эскирган электр симёғочларини янгисига алмаштириш, кўчаларни шағаллаштириш, хўнармандчилик ва томорқачиликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш каби йўналишларда режа асосида иш олиб борилмоқда.

— Маҳалламизда 4000 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади, уларнинг 400 га яқини 30 ёшгача йиғит-қизлар. Бугунгача аҳоли ўртасида сўровнома-хатлов ўтказдик. Шу орқали мавжуд муаммолар, ҳал қилиниши зарур жиҳатлар аниқлаб олинди, — дейди Риштон туманидаги “Ҳожиқашлоқ” МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Азизжон Болтабоев. — Айни пайтда маҳалла ички йўлларини шағаллаштириш ва симёғочларни алмаштириш давом этмоқда. Худудда турли йўналишларда тадбиркорлик қилиш учун шароит етарли. Жўмладан, балиқчилик, иссиқхона қуриш, кичик ишлаб чиқариш цехи учун жой ажратиш, чорвачилик ва паррандачилик билан шўғулланиш истагини билдирганлар кўп. Ҳокимлик ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда талабгорларга қўмаклашиш учун амалий чора-тадбирлар режасини тузданимиз.

Албатта, жойларда халқни қийнаётган қатор муаммолар ўз ечимини кўтмоқда. Буларни бартараф этишда айнан ҳоким ёрдамчилари зиммасига улкан масъулият

юкланади.

— Худудимизда бирор кўзга қўрнарлик корхона йўқ. Шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида тадбиркорликка иштиёқ кучли. Маҳалладаги фойдаланилмай ётган эски бинони таъмирлаб, бу ерда хўнармандлар учун мўъжаз корхона ташкил этишга келишиб олдик, — дейди тумандаги “Оқтомир” МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Илҳомжон Ботиров. — Оқсоқоллар, маҳалла раиси билан ҳамкорликда бу ерда чеварчилик, гиламчилик ва қўлопчилик буюмларига безак бериш цехларини очмоқчимиз.

Бир қатор шогирдлари, тикув машинаси бор чевар аёлларга бу жуда маъқул келди.

— Узимнинг тикув машиналарим бор. Чеварликка қизиқувчи қизлар бир талай, фақат уйимиз торлик қилгани учун уларнинг раъйини қайтариб келардим. Ҳоким ёрдамчиси ташаббус билан кенг ва катта хона ажратиб беришяпти. Энди шогирдларим сафи анча кенгайди, — дейди Гулихон Шерматова.

Тошлоқ туманидаги “Хамрак” МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Нодирбек Жўрабоевни “лойиҳалар фабрикаси” дейиш мумкин. У билан суҳбатлашиб бунга амин бўлдик.

— Хатлов ўтказиб, мавжуд муаммоларни аниқлаш билан бирга, одамларимизда ишчанлик, яратиш иштиёқи кучлилигига ишонч ҳосил қилдим. Бир нечта лойиҳалар қилиб, уларнинг тақдимотини ўтказдик. Мақсад — лойиҳалар камчиликларини тўғрилаш, жамоатчилик фикрини ҳам олиш, — дейди Нодирбек.



Унинг айтишича, дастлабки лойиҳа — саноат зонасидан 1 гектар ер олиб, минерал сув ва шарбатлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Янги бренд яратиш билан боғлиқ бу лойиҳа қиймати 4 млрд. сўмни ташкил қилади ва 100 та иш ўрни вужудга келади. Шунингдек, фармацевтика корхонаси (тиббиёт пахтаси, бингт, спирт, аскорбин кислота ишлаб чиқариш) ни қуриб, ишга тушириш, маҳалла худудидидаги бўш ер майдонида хусусий

клиника (диагностика ва амбулатория) ҳамда икки қаватли маиший хизмат уйи (1-қаватда ун маҳсулотлари маркази, 2-қаватда тикувчилик цехи) қуриш каби лойиҳалар бўйича аллақачон амалий ҳаракатлар бошланган. Бунинг учун тадбиркорлар маблағларини йўналтириш, шунингдек, субсидия ва кредитлар олиш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда.

— Эътиборлики, тадбиркорлигини йўлга қўймоқчи бўлганлар ҳам, бу корхоналарда ишловчилар ҳам хамрақилиқлар. Яқин келажакда маҳаллада бирорта ҳам ишсиз, “Темир” ёки “Аёллар дафтари”дагилар қолмайди, — дейди у. — Ахир, 200 дан зиёд янги иш ўринлари пайдо бўлиши бир маҳалла учун ҳар жиҳатдан катта натижа.

Албатта, маҳаллалардаги ишсизликни қамайтириш, томорқачилик, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш ўз-ўзидан бўлмайди. Худудларда тўпланиб қолган муаммоларга ечим топиш, иқтисодий ривожланишни йўлга қўйиш орқали халқимиз розилигига эришиш мумкин. Бунда эса ҳоким ёрдамчиларининг ташаббускорлиги ва албатта мутасаддиларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳаётжон БОЙБОБОВ.

Кўпга ИБРАТ БЎЛИБ

Олтиариқ тумани ирригация бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар кўпга ибрат. Бу бежиз эмас. Корхона бошлиғи вазифасида ишлаб келаётган Акмалжон Ҳамроқулов ҳар жабҳада бошқаларга ўрнак бўлиб келади. У одамлар билан ишлаш, меҳнатини қадрлаш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашда етарли таърибага эга. Ўз манфаатини бошқаларникидан устун қўймайдиган, қўл остидагиларга талабчан ва ғамхўр. Унинг яна бир ибратли жиҳати, кўп китоб ўқийди, бошқаларни ҳам шунга даъват этади.

Акмалжон раҳбарлигидаги “Норин-Фарғона” ирригация тизими ҳавза бошқармасида кўзга кўринган жамоа ҳисобланади. Улар 9 та туманининг 94 минг гектардан ортиқ чўи ерларидида экинзорлар ва аҳоли томорқаларига сув етказиб беради. Шу кўнга қадар канал ва ариқларнинг сув ўтказгичлик ҳолати бир қарра қўриб чиқилди. 215 километр каналларнинг бетон ва тупроқ ўзанларида таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилди. “Хонабод-2” эски канални механик тозалаш ишлари тугалланай деб қолди. Қўл кучи ёрдамида 317 та гидропостларда жорий таъмирлаш ишлари тугалланди. Эрта кўклам учун 10 минг терак қаламчалари, 5 минг тўп мевали дарахт қўчатлари тайёрлаш учун данаклар экилди.

Ирригация тизимида ёрдамчи хўжалик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Сув тақсимлаш бўлимлари ва гидропостларда 34 сотихдан ортиқ лимонзорлар ташкил этилди. 6 гектар сув ҳавзаларида балиқчилик қўллари барпо этилган. Плёнка остида турли резавор ўсимликлар, ошқўшлар ўстирилмоқда.

— Сабзавот, полиз маҳсулотларидан ташқари чорва ҳайвонлари, қўён ва паррандалар парвартишлаймиз, — дейди бўлим бошлиғи Акмалжон Ҳамроқулов. — Айни кўнда юз бошдан ортиқ майда ва йирик шохли чорвачилик тармоғи ишлаб турибди. Паррандачилик, қўёнчиликни йўлга қўйганмиз. Маҳсулотларнинг асосий қисми ишчи-хизматчилар дастурхонига тортиқ этилмоқда.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ.

ИСЛОМ КАРИМОВГА ТИРИКЛИГИДА БЮСТ ҚЎЙИЛГАНМИДИ?

1993 йил эди. Тўсатдан мени Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Авазхон Мухторов чақиртирди. У жуда қўриқинчли одам бўлган. Хизмат машинаси олд ўриндиғида доимо автомат ушлаган барваста йигит — қўриқчиси ўтирарди. Унинг кабинети кираверишида пост қўйилган бўлиб, икки автоматчи турарди. Кимда-ким вилоят ҳокими Мирзажон Исломов қабулига унинг руҳсатисиз кирса “адабини” бериб қўярди. Бу сатрлар ҳолва эканини Мухторовга рўбарў бўлганлар яхши билишади (хайриятки, уларнинг анча-гинаси ҳали ҳаёт).

— Демак, гап бундоқ, — деди Мухторов ҳол-аҳвол ҳам сўрамай. — Ҳозир сенга бир нарсa кўрсатаман. Бугун, бир соатдан кейин ўша ерда мажлис ўтказаман. Гап мажлисда эмас, сен мен айтган нарсани қайта-қайта кўрсатасан репортажингда. Ва репортаж бугун “Ахборот”да берилиши шарт. Тўшундингми? Уни Президент кўриши керак.


Мухторов гап қайтарган ёки савол берганини ёқтирмас эди. Бош иргадим.

— Юр бу ёққа, — деб йўл бошлади у.

Биз куролланган соқчилардан ўтиб, ҳокимиятнинг йиғилишлар катта залига кирдик.

Пардалар янгиланибди. Дево-лар рангбўёғи ўзгарган. Люстра ҳам алмашибди.

— Нега анкайялсан, — Мухторов бир жеркиб берди. — Бу ёққа



кара!

Залдан ярим метрча кўтарилган саҳнага қўйилган стол ортига бюст ўрнатилганди. Оппок рангга бўялган, қуюқ лак берилгани учун ялтироқ. Яқинроқ келдим.

— Ие, бу Президентимиз Ислам Каримов-ку!

— Ҳа!

Мухторов менинг ҳайратланиб турганимдан ғазабланарди. Бу тирик Президентга қўйилган биринчи бюст эди.

— Намунча анкаясан, боя айтганимдек, менга мажлис эмас, Ислам аканинг бюстини ҳар тарафдан қайта-қайта кўрсатишнинг муҳим. Мажлис эса баҳона холос.

Телевидение муҳбири сифатида Ислам Каримов мамлакат раҳбарлигига келгани

— саксонинчи йилларнинг охиридан то ўша кунгача у иштирак этган йиғилишларда қатнашганман, вилоятларга сафари чоғида ҳамроҳлик қилганман. Уч-тўрт бор жойларда қисқа-қисқа сўхбатлашгандим ҳам. Журналист нафақат ахборот тарқатуви, балки сиёсатчи ва психологдир. Президент руҳиятидаги айрим хислатлари тўшуниб қолгандим. Менимча, мажлислар залига бюст қўйилгани унга мутлақо ёқмайди, деб ўйладим. Аммо мен хатто президент эмас, Мухторов қаршисида эдим.

— Ҳўп, — дедим унинг қаҳрли кўзларидан аранг қочиб.

Йўқ, бир соат ҳам ўтмади. Вилоят ҳокимлиги мажлислар зали пўрим кийинганларга тўлди. Президиумда Исломов ва Мухторов. Бирин-кетин ўринларидан туриб, саноатни ривожлантириш ҳақида гапиришди. Сўнг уч-тўрт чоғли одам минбарга чиқди. Тасвиричига ҳаммасини тайинлагандим. У залнинг гоҳ саҳнаси, гоҳ куйидан тасвирга туширар, лекин ҳар бир план (қўриниш)да албатта бюст бор эди.

Мухторов минбардаги нотик сўзини тўхтатиб қўйди ва мени ёнига чақирди.

— Ҳўш, бўлдимми?

— Ҳа, етарлича кадрлар олинди, — дедим мен.

— 12 дағи самолёт сени кутиб турибди, ёрдамчим аэропортга олиб чиқади. Тез жўна, — деди у.

— Ҳа, Яхяевга айтиб қўйганман! Яхяев телерадиокомпания раиси эди. Президентнинг Мухторовга бўлган ишончи тўғрйли вазирилар ҳам унинг гапини қайтарга олмадди.

Самолётда, йўл-йўлакай матн ёздим. Телевидениега етиб келгач, дарҳол монтажхонага югурдим. Дастлаб матнни ўқиб, сўнг овоз устига тасвирлар ёпдим. Лавҳа тайёр бўлган, овозимни олиб ташладим. Сўнг матнни

машинкада ёздириб, раҳбариятга топширдим.

— Овозимни олиб ташладим. Лавҳа намойиш қилинса, мен муаллиф эканимни кўрсатмаймиз, — дедим “Ахборот” директори-га. — Илтимос, навбатчи диктор ўқисин матнни.

Масала дарҳол Яхяевга етиб борди.

— Нега, нега, — деди у ҳайратдан. — Ахир шундай лавҳага нега овоз бермайсан?

— Шавкат ака, менга қолса, бу лавҳани умуман эфирга бермаслик керак, оз-моз бўлса-да, Ислам аканинг характери билан, бюст қўйилгани уларга ёқмайди.

— Дайти диктору, пусть она прочтет, — деди Яхяев менга эшикни кўрсатиб. Раис рус тилида гапиришни ёқтирар эди. Кейин орқамдан сўкингандек бўлди. — Дурак и тру!

Эфирга чика икки соат бор. Юрагим ғаш. Гўё ҳаво етишмаётгандек ташқарига чиқдим. Ўзим билан ўзим курашардим. Нега бундай қилдим? Балки Президентга ёқар бу? Ахир Фарғона дарвозаси пештоқига

барельфини қўйдирди Мухторов, Президент ҳеч нима демади-ку? Лавҳага овоз бермаганим, муаллифлигимни кўрсатмаганим учун мени Президент фаолиятини ёри-тадиганлар рўйхатидан чиқариб юборишмасмикан?

Кутганда вақт ўтмайди. Ниҳоят эфир соати келди. Мен аппарат хонасида кузатар эдим. Фарғонадан тайёрланган лавҳа биринчи бўлиб эфирга чиқди. Ўн-ўн икки бор турли ракурсларда кўринганди Президент бюсти. Сўнг диктор иккинчи, учинчи лавҳани эълон қилди. Шу пайт йўлакдан “Обидов!” деган овоз эшитилди. Югюриб коридорга чиқдим. “Ахборот” директори ташвишли оҳангда “Тез Яхяевга” деди.

Ҳа, мен кутган воқеа содир

бўлганди. “Ахборот”ни кузатиб турган Президент ўша заҳотиёқ даргазаб бўлибди. Матбуот котиби Мурод Мухаммад Дўстни чақириб, нима деса дебди. Бир соат ўтмай телевидение раисининг хонаси гавжум бўлиб кетди. Матбуот котиби, Давлат маслахатчиси, яна кимлардир...

Ҳамма айбдорни қидирарди. Мен бўлган воқеани борица айтдим. Жумладан, нега овоз бермаганимни ҳам. Мурод ака адолатли инсон. Кейин ҳам бир неча бор мени тўхмат ва таъйиқдан сақлаб қолган. Ўшанда менга бир сўз демади. Чунки вазиятни тушуниб турган эди.

— Шои, сиз кетаверинг! — Бор айтган гапи шу бўлди Мурод аканинг.

Воқеанинг эртаси кунёёқ Президент матбуот котиби биринчи марта телевидениега чиқиб расмий баёнот берди.

— Президентимиз жойларда бюст қўйилиши, Жиззах йўлидаги каби улкан портретларини ўрнатишни қоралайдилар. Бу раҳбарлик одобига мос эмас, балки илоҳийлаштиришга томон қўйилган ноҳўя қадамдир!

Мен Тошкентдан қайтсам, Ислам Каримовнинг вилоят ҳокимлиги йиғилишлар залидаги бюсти йўқ эди. Ўшанда анча вақтгача Мухторовдан қочиб юрдим. Кўзига кўринмасликка ҳаракат қилдим.

Р.С. Ҳа, дарвоқе, билишмича ўша бюст ҳозир ҳам вилоят ҳокимлиги омборхонасида сақланмоқда...

Мухаммадҷон ОБИДОВ.

Матбуот анжумани

КОРРУПЦИОН ҲОЛАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИЛМОҚДА. БИРОҚ...

Вилоят ахборот-кутубхона марказида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Авазбек Ўринбоев иштирокида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олишга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида иқтисодиёт тармоқларида бу иллат билан боғлиқ ҳолатларга йўл қўймаслик, унга қарши курашиш борасида амалга оширилётган ишларга эътибор қаратилади.

Кайд этилишича, иқтисодиёт тармоқларидаги ҳар бир соҳани рақамлаштириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, инсон омилини камайтириш орқали коррупцион манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чоралари кўрилмақда. Бироқ жиноятнинг бу турига тўлиқ барҳам берилмапти.

Айниқса, иқтисодий қонунбузилиш ҳолатлари, ер сотиш, мансаб ваколатидан фойдаланиш, солиқ қонунчилиги талабларини бузиш, порахўрлик, фирибгарлик сингари жиноятлар кузатилаётганлиги қайд этилди. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида вилоят прокуратураси томонидан 888 та жиноят ишлари юритувларга қабул қилган. Биргина тижорат банклари тизимида коррупцион ҳолат билан боғлиқ жиноятлар 25 тага кўпайган.

Матбуот анжуманида мавжуд камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш, тизимда очиклик, ҳолисликни таъминлаш, мавжуд тартиб-тамоилларни соддалаштириш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлаш, иқтисодиёт тармоқларида шаффофликни таъминлаш, тизимда коррупцион ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини кўриш, кадрлар малакасини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Очик, ошқора тарзда бўлиб ўтган матбуот анжуманида соҳадаги коррупция ва унинг юзасига келиш сабаблари чуқур таҳлил қилинди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Расулҷон КАМОЛОВ.

ҚАНДАК ЎРИК НЕГА КАМАЙИБ КЕТЯПТИ?

Риштон нафақат кулчулик буюмлари, балки оғизга солганда эрийдиган қандак ўриги билан ҳам машҳур. Ҳар иккисининг замирида қизил соз тупроқ борлигини биласизми? Бир вақтлар қандак ўрикдан космонавтлар учун махсус жўнатма юборилганини-чи?

Таъми қанддек, меҳнати машаққатли



Босқа жойлардан фарқи равишда Риштонда алоҳида ўрик бозори бор. Баргагу аштак, офтобию димлама ўриклар, асл қандакларни шу ердан топасиз. Қиш кунларида бир килограмм аштакнинг баҳоси 110-120 минг сўм, баргақнинг ўртача нархи 70-80 минг, қандак ўрик эса 45-50 минг сўмдан сотилапти.

— Қандак ўрик навлари йўқолиб, камайиб кетаётгани сабабларидан бири унинг арзонлигиди. Ахир, уни оби-тобида қуриштишнинг ўзи бўладими? — дейди миришқор боғбон Содикжон Гадоибоев.

— Ҳозир кўпчилик тез мевага қирувчи, қиммат ва жойидан сотилувчи ўрик навларини экяпти. Айниқса, ҳўлигидаёқ харидор келиб сўраб турса яхши-да.

Унинг гапларида жон бордек. Қандак ўрик ниҳоли 7-8 йилда росмана мева беради. Бунга қўшимча бирма-бир териби олиш, офтобда қуриштишдаги туну кун меҳнат, беэиён сақлаш машаққатлари ҳам бор. Қандак — “қанддек” ўрик дастурхонга тушгунча ўзига хос парвариш, қўл меҳнати зарур. Навнинг асл ҳолатини сақлаб қолиш учун ёввойи, дуч келган қўчатга уланмайдиган, айнан қандак данагидан нағдан ниҳоллар танлаб олинади. Шох-



лардаги ёғралар ранг олди дегунча дарахт сувдан тортилади. Чунки ўрик кўп ҳам сувни “ёқтирмайди”, серсув қилинса, меваларда қорайиш юз беради. Ишбилгич боғбонлар қандакзор остига бугдой, арпа экишади. Сабаби, бу экинлар ўрик билан бир вақтда пишиб етилади. Ўриб, сомони ёйиб қўйилади. Босқа ўриклар сингари қоқиб олинмайди, пишиб етилганлари ана шу сомон похол устига тушиб ўз ҳолича қурийверади. Илоҳи борица қўлда териби олинади.

— Қандак ўрикка кимёвий ишлов берилмайди, олтингугурт ёқиб димланмайди. Ёз офтобда, очик ҳавода ола-қуруқ соя жойда қуришиб олинади. Ҳар бирининг

бандини осмонга қаратиб териби чиқилади, — дейди тажрибали боғбон Ҳибатулло Вайдуллаев.

— Қўриган ўрикни сақлашда эътиборли бўлиш керак, кўпчилик элизиб қишда қўяди. Кузги офтобга ёйилса, янада ранги очилади. Қуриштишда кечки шабнамдан эҳтиёт қилинади, эрталаб устини очиб, кеч ёйиб қўйилади. То кейинги йил ўрик пишгунича сақлаймиз.

Қандакнинг бир қанча турлари бор: оқ қандак, қизил қандак, pista қандак, бурма қандак, мулла қандак, мурсанжали (болта қандак ҳам дейилади), боражабий...

— Болалигимизда Риштонда жуда кўп қандак боғлар бўларди. Очарчилик пайтлари халққа шу боғлар асқотган. Пахта экиш баҳонасида катта-катта боғлар бузиб ташланди, — дейди “Дориломон” маҳалласида яшовчи Обиджон Усмонов. — Кейинчалик яратилган боғлар зах сувининг кўтарилиши тўғрйли қуриб кетди. Ҳозир захга чидамми навлардан боғ қилинапти. Бошқа жойларда ҳам қандак парваришланади, аммо Риштон заминидегидек мазали, ширали бўлмайди. Бунинг сабаби қизил соз тупроқ бўлса керак. Каерда шундай тупроқ бўлса, ўша ерда қандак ўрик ҳар жиҳатдан сифатли бўлади.

Фойдали хусусиятлари бисёр мева

— Ўтган асрнинг 70-йилларида фазогирлар тановули учун махсус озик-овқатлар қаторида Риштон ўриги ҳам танланган, — дейди меҳнат фахрийси Тўлқинжон Зоҳидов. — Ўнг сара қандак ўриклар нафақат космонавтлар шахарчаси Циолковскийга, балки Кремлдаги олий мартабали меҳмонлар ва хизматчилар учун ҳам юборилган.

Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Юртимизда қуёш нурларини эмиб етилган ўриклар витаминларга бой, фойдали хусусиятлари бисёр. Абу Али ибн Сино ўрик меваси ошқозон-ичак фаолиятини яхшилашини, кишига қувват, дармон бағишлаши, камқонликка даволигини таъкидлаган. Ўрик таркибидида А витамини иммунитетни оширади, В витамини юрак-қон томир хасталикларига даво, С витамини овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилаиди. Ўрик кўплаб минерал тузларга эга, улар асаб тизими ва моддалар алмасиш-нувида катта аҳамиятга эга. Халқ орасида асосан камқонликка қарши курашишда, ҳомилдор аёллар учун фойдали мева сифатида қадрланади. Шунингдек, юрак фаолиятини яхшилаш хусусияти билан машҳур. Айниқса, қуритилгани — ўрик туршаги оммалашган.

Айтиш керак, иқлими совуқ ўлкаларда мавжуд бўлмаган ўрик, хусусан, қандак ўрикнинг таърифи узоқларга етиб борган. Европа давлатлари, Японияда, Россиянинг турли шахарларидаги бозор ва дўконларда қандак ўрик туршаги харидордир саналади.

— Москва, Қозон, Қурган, Новосибирск шахарларига ўрик олиб бориб сотардик. Доимий харидор ва мижозларимиз бисёр эди, — дейди кўп йиллар боғдорчилик ҳўжалигида ишлаган меҳнат фахрийси Йўлдашали Дадабоев.

— Руслар “сахарний” борми?” деб сўрашарди. Килолаб эмас, доналаб сотган пайтларимиз ҳам бўлган.

Алоҳида ўрик навлари — исфарақ, сўбхони баргак қилинади. Қандакдан эса аштак. Аштак учун асосан оқ ва қизил қандак мевалари териби, бир-икки кун офтобга со-

линади. Кейин данаги ажратиби олиндиб, данак ўрнига мағиз қўйиб чиқилади. Бу анчайин машаққатли меҳнат ва вақт талаб қилади. Риштоннинг аштакгини емабсиз — дунёга келмабсиз. Узоқ сафарга кетаётганлар йўлхалтасида албатта аштак бўлган.

— Риштоннинг хорижий сайёҳларни ҳайратга соладиган жиҳатларидан бири — қандак ўрик, — дейди “Октомбир” МФЙда туристик йўналишда фаолият юритаётган тадбиркор Баҳромжон Гофуров. — Улар татиб кўриб, бу мевага қизиқиб қолишади, қандакнинг фақат бизнинг диёрда бўлишдан ажабланишади. Афсуски, кейинги пайтларда бу нав камайиб борапти.

Собиқ иттифоқ даврида Риштонда “Ўрикзор” давлат ҳўжалиги ташкил этилган эди. Жонқуяр ва халқпарвар раис — Турсунали Қорабоев раҳбарлик қилган ҳўжалиқда пахтадан ташқари, ўрик навларини кўпайтириш, давлатга қандак ўрик ва баргак етказиб бериш, янги боғлар ташкил қилишга эътибор қаратилган. Ўша пайтлари битта бўлимнинг ўзи 30-35 тонна ўрик етказиб берган. Бундан ташқари, ёрдамчи ҳўжалиқда ҳўл ва қуруқ ҳолида қайта ишланиб, ўрик шарбати, компот ва қиём ишлаб чиқарилган. Данак эса алоҳида режа асосида фармацевтика корхоналарига топширилган.

— Бугунги кунда ҳам туманимизда боғдорчилик муҳим ўрин тутади, — дейди туман кишлоқ ҳўжалик бўлими бошлиғи Муроджон Маҳмудов. — Мавжуд 3656 гектар боғнинг 2,5 минг гектари ўрикзорлардир. Айни пайтда эски ўрикзорларни янгилаш, серхўсил ва экспортбоп навли ниҳоллар ўтказишга аҳамият қаратяпмиз. Бундан ташқари, ўзлаштирилмаган ерларда янги боғлар ташкил қилинапти. Ўтган йили туманимиз миришқорлари томонидан 6 млн. долларлик мева-чева экспорт қилинган бўлса, унинг ярмидан кўпи ўрикдир. Асосан Россия, Қозғистон, Италия каби давлатларга сархил ўрик жўнатилди.

Ҳа, Риштонда ўрикка меҳр ўзгача. Ҳар бир ҳовлида ҳеч бўлмаса бирикки туپ ўрик дарахти ўстирилиши бежиз эмас. Кейинги йилларда зах суви оқибатида қандак навининг қуриб-камайиб бораётганига қарши курашиш, янги қандакзорлар барпо қилиш, ўрикни қайта ишлаш корхоналари қуриш каби масалалар эса туман мутасаддиларини ўйлантириши керак, бизнингча.

Ҳаётжон БОЙБОБОВ.



Алишер Навоий таваллудининг 581 йиллиги олдидан

ТИЛНИ ШАРАФ ОСМОНИГА КЎТАРГАН МУТАФАККИР

Мир Алишер Навоий она тилимиз такомили йўлида умр бўйи жон куйдириб хизмат қилган. Ундан аввалги алломаларимиз Махмуд Кошғарий, Хожа Аҳмад Яссавий, Махмуд Замахшарий, Ҳайдар Хоразмий, мавлоно Лутфийдаги туркий тилга муҳаббат туйғуси Навоий ижодида баланд пардаларда тараннум этилди. Ҳирот адабий муҳитида ўсиб-тарбияланган шоир форс-тожик ва араб тилларини ҳам мукаммал ўрганди. Натижада жаҳон айвонида Шарқ адабиётидан аъло даражада хабардор адиб, зукко тилшунос пайдо бўлди. У буюк шоиру носирлар ижодини ёд олди, куч-ғайратини, ақлу заковатини она тилида шоҳ асарлар яратишга сарфлади. Чексиз ҳаёлот ва тафаккур олами, теран заковат, ҳиссиётли руҳ, эҳтиросли қалб, жўшқин илҳом унга болалиқдан ҳамроҳ эди.

Навоий шеърда туйғу, фикр, илм ва ҳаёл унсурларини бирлаштириб, туркий тилни мусликий оҳанглар билан бойитди. Мажоз, тажнис, қофия ва феъллардан фойдаланиб, товус, маъно нозикликлари, товлянишларни бутун дунёга кўрсатиб берди.

Махмуд Кошғарий ўз даврида турк тилининг араб тили билан мусобақага киришганини қайд этган бўлса, Навоий ўзбек ва форс тилларини илмий қиёслаб, таҳлил қилиб чиқди. Унинг адабиёт олдиданги фидойи хизматларини муносиб баҳолаган

шахслардан бири Хуросон давлати подшоҳи Султон Хусайн бўлса, иккинчиси улуг шоир ва олим Абдурахмон Жомий ҳазратлари эди. Султон Хусайн дўсти ва амири Алишер-бекка атаб алоҳида рисола ёзди, туркий тил давлат девони ва барча ёзишмалар тили бўлсин, деб олий фармон чиқарди. Жомий эса кўплаб асарларида ўз шогирди ва ҳамкорини кўларга кўтариб мадҳ этди. У Навоийнинг она тилида "Хамса" битганини олқишлар экан, "Хирадномаи Искандарий" дostonида шундай мактовлар ёғдирди:

**Турк тили яхши нақш, зеб топиб,
Эшолмай ип, сеҳрғар оғзин ёпиб,**

**Таҳсин ила қилди фалак кўп салом,
Мир қалами сочи дея сир калом.**

**Этсин афв форсий денгиз хослари,
Дарий дурин терувчи ғаввослари,**

**Сурса қалам дарийда ул лафзи бол,
Қолмас эди уларда ҳолу мажол...**

**Сўз гуллари ўсишдан тўхтаб, қотиб,
Тубанлик балчиғига қолғач ботиб,**

**Тилинг кўтардинг шараф осмонига,
Кириб арслондек калом майдонига.**

Жомий "Юсуф ва Зулайхо" дostonида яна Навоий ҳақида қалам суриб, шундай ёзди: "Зи мardони жаҳон номаш ду шер аст..." (яъни "Жаҳон эрларидан: оти икки шер"). Жомий ўз дўстининг "Тухфат ул-афкор" ("Фикрлар тухфаси") номли қасидасига ҳам жуда юқори баҳо берган:

**Бул қасидадин неча шоҳ байт ўқиб,
Кўрсам, хослар кўнглин
хайратга солимиш.
Хуш кўзин очсам, сўз тузоғин тўқиб,
Бори кўнгил қушларин
овлаб олимиш.**

Навоий тил ва адабиётимиз майдонининг арслони, сўз мулкининг султони, назм салтанатининг соҳибқиронидир. Унинг ижоди дунё адабиёти ривожига катта таъсир кўрсатган. Озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий, Адлий тахаллуси билан ижод қилган усмонли турк султони Боязид Иккинчи, туркман халқининг булбули Махтумқули, қозоқ оқини Абай Қўнобоев, кирғиз шоири Тўқтағул, жаҳид мутафаккири, қримлик Исмоилбек Ғаспирли ва бошқалар ҳам Навоийни ўзларига пир, устоз деб билганлар. Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" қасидасида шундай сатрлар бор:

**Мир Алишер наърасига
акс-садо берди жаҳон,
Шеърят мулкида бўлди
шоҳу султон, ўзбегим.**

Бу акс-садо ҳозир ҳам жарағи бериб турибди. Дунёнинг турли жойларида Навоий шеърларини ўқиб, ўзбек тилини севиб ўрганишмоқда. Она тилимизда яратилган дурдона асарлар кўплаб тилларга таржима қилинган.

**Толиб НОСИР,
таржимон.**



"Қўқон" давлат музей қўриқхонаси филиали — Қўқон адабиёт музейининг янги намоишгоҳи учун манбалар танлаш жараёнида музей жамғармасидаги 24-сақланиш рақамли қўлёзма бизда алоҳида қизиқиш уйғотди. У Туркистонда тартиб берилган, қўқонлик ижодкорлар асарлари киритилган баёз бўлиб, 125 варақдан иборат. Муқова қора рангда, 5 тамғали, таъмирланган.

ЗАВҚИЙ МУВАШШАҲИ ТОПИЛДИ

Баёзнинг сўнгги варағига қуйидагича изоҳ ёзилган: "Ин китаб нависанда Сулаймонқули марҳум Ғазилдин Якуб олийраҳма фил балдаи ҳазрат Султон орифин". Изоҳнинг тепасида эса "Умархон Саид Умархон Амир Султон" ёзуви ҳам бор. Баёзда Бедил, Навоий, Фузулий асарлари билан бирга, Муқимий, Фурқат, Амирий, Гулҳанӣ, Муҳаййир ижодидан намуналар келтирилган.

Баёздан Завқий қаламига мансуб мувашшаҳ ўрин олган бўлиб, у Каримжон ва Кабиржон исмли шахсларга битилган. Қуйида мазкур мувашшаҳ (араб алифбосида ёзилган) матни билан танишасиз:

Назмимни Завқий ҳар икки мисра бошидан ол...
Гул оразининг акси ила назора боиси
Кўргуз чаманга ки таҳи бир оташин жамол.
Боғи маллохат ичра икки навниҳол нард
Раҳм айланг ишқ ахлига топаи десангиз камол.
Рози дилим сизга демай кимга айтамен
Меҳнат юкини остида қаддим бўлди мисли дол
Жоно, фироқинг ҳасратини кўп чекиб эдим
Жоми меҳнатда бўлди насиб шарбати висол
Изҳори ишқ ҳар ҳавас ахли тилида кўп
Иқроп қилдим ушбу дуода кўп моҳи сол
Ноз офарин даҳр боғида икки маҳбуб исмини
Назмимни Завқий ҳар икки мисра бошидан ол.

**Ҳ.ОТАЖОНОВ,
М.ХИРОЖИДДИНОВ,
"Қўқон" давлат музей қўриқхонаси филиали
Қўқон адабиёт музейи илмий ходимлари.**

Футбол

"Фарғона вилояти ҳокими кубоги — 2022"



Баҳслар қизгин паллага кирди

Фарғонада футбол бўйича "Фарғона вилояти ҳокими кубоги" учун мусобақа бўлиб ўтмоқда. Жорий йилги турнир халқаро мақомга эга бўлиб, унда Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари футбол жамоаларидан ташқари Қирғизистоннинг "Баткен" ва "Алай" жамоалари ҳам қатнашмоқда.

"Нефтчи" спорт мажмуаси ва Фарғона давлат университетининг ўйингоҳларида тўп сураётган жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда бош соврин учун астойдил кураш олиб борапти.

Ўтган кўнлардаги баҳслар натижалари бўйича чорак финалда ўйнайдиган жамоалар аниқланди. Булар "Қўқон-1912", "Андижон-1", "Турон-2", "Цементчи", "Нур Баткен", "Истиклол", "Дўстлик" ва "Денов" жамоаларидир. Чорак финал баҳслари бүгун бўлиб ўтади. Ярим финал эса 3 февраль кўнига белгиланган. Ҳал қилувчи финал баҳси 4 февраль кўни бўлиб ўтади.

Бағдод тумани 1-ўрта таълим мактабини 2000-2001 ўқув йилида тамомлаган Эрматова Раънохон Юлдашалиевна номига берилган О'Р-А 1183191 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Гўзал ОХУНОВА.



"Пўлат қанот" маликаси

Болалигида осмону фалакда учиб борётган самолётни ҳайрат билан кузатмаган бирор инсон бўлмаса керак. Рангли қоғозлардан "самолёт" ясаб, кимўзарга учирган илк "учувчилар" ҳам болалар аслида. Инсоният руҳияти азал-азалдан юксакларга парвоз этишга мойил яралган. Қаҳрамонимиз Фарангиз ҳам "пўлат қанот"нинг пўлат қанотдек шовқинли наърасини эшитганда "паға-паға булутларни ёриб ўтадиган, қуёшу ой сарҳадларини забт этадиган, биллур қандиллардек чарақлаган юлдузлар дунёсини сочиб юборадиган" мўъжизани ҳаёлот лезимида қайта ва қайта кашф этади.

Бугун эса у "пўлат қанот" бағрида дунё кезаётди. Фарангиз Исмоновнинг "Uzbekistan airways" авиакомпаниясида борт кузатувчи сифатида фаолият юритаётганига тўрт йилдан ошди.

Махсус формалари қадди-қоматига ярашган, оловранг бош кийимидан гўё оқиб тушган сочлари ўзига хос турмакчанган, бир қараида қир бағрида ял-ял ёнаётган лолақизғалдоқни эслатадиган бу дилбар қиз билан суҳбатимиз аввали кўплаб қизлар орзусидаги сеvimли касбига кириб келиши ҳақида бўлди:

— Бир кўни радиода 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган, бўйи 170 сантиметрдан паст бўлмаган, вазни шунга мувофиқ оғирликдаги ўғил-қизларни танлов асосида борт кузатувчиликка қабул қилиш тўғрисидаги эълонни эшитиб

қолдим. Негадир юрагим жиз этди, — дейди у. — Бир инглиз адибининг фикрлари ҳаёлимга қуйилиб келди: "Кўнғироқ кимни чорлаяпти деб сўрама, у сени чорлаяпти". Ҳа, худди мени чорлаяптандек эди ўша чақирик. Ҳеч иккиланмасдан ҳужжатларимни топширдим. Ўзбекистон, жаҳон тарихи, география бўйича ўтказилган имтиҳонларнинг биринчи босқичидан аъло даражада ўтдим.

Фарангиз тил билиш даражасини баҳолайдиган лезонларни ҳам муваффақиятли топширди. Бехудийнинг "Икки эмас, тўрт тил керак" деган мақоласини ўқиб, мактаб давридан тил ўрганишга "шўнғиб кетган" қаҳрамонимизга рус, турк, инглиз тилларида бемалол сўзлаша олиши кўп келди. Айниқса, тиббий кўриқдан ўтиш босқичи қутилмаган жараён бўлди. Шифокорлар унга саратон касаллигига чалинганини, бу эса борт кузатувчиликка қабул қилинмаслиги учун энг катта сабаб эканлигини айтишди. Шунда ҳам у ўзини йўқотмади. Ва бир кўндан кейин соғлиғида ҳеч қандай муаммо йўқлиги ҳақидаги текширув қоғозлари билан яна мақсади сари олға интилди. Ҳа, уни психологик жиҳатдан синашган эди. Ва бу синов иродали қизнинг иродасини синдирилмади.

Минг чиғириклардан ўтиб, "пўлат қанот" маликасига айланган Фарангиз илк парвози Нукусга бўлганини хаяжон билан эслайди. Туманли об-ҳаво, шамол-

лар тўлкини моҳир учувчиларнинг тажрибасини енга олмагани ҳақида шавқ билан гапирди. Ҳозиргача "Uzbekistan airways" билан бирга ўн бешдан ортиқ давлатларда бўлди. "Забт этолмаганим Америка" дейди қулиб. Дунё кезган қиздан дунё мамлакатларининг сайёҳлари жалб этадиган хусусиятлари ҳақида сўрадик:

— Хусусан, менга Тошкент — Мадина йўналиши ёқади. Шамолли табиати жуда-жуда ёқимли, — дейди у. — Лондоннинг ҳам диққатга сазовор, одамни оҳанрабодек ўзига тортувчи манзиллари талайгина. Осиё давлатларидан Малайзиянинг таомлари, ороллари кўнглимга яқин. У ерда, айниқса, аёлларнинг "хоббиси" — "shopping" ривожланган. Иссиқ ўлкалардан Таиландни ёқтирамайман. Океан яқинлиги учун ҳаво нам, худди парланганга ўхшайди. Мен учун барча давлатлар саёҳат учун, яшаш учун Ўзбекистондан бошқа ҳеч қайси "сеҳрли диёр"ни танламайман. Бу ерда оилам, қизалоғим куттади мени. Узоқ йиллар уйга келмаган юртдошларимизнинг соғинч кўз ёшларини кўриб, ўзимиз ҳам йиғлаб юборган пайтларимиз бўлади. Бу туйғуни мусофир бўлганлар яхши тушунади, менимча.

Бу ойдин юзларнинг вазифаси бир қарашда қулиб туриш, тавозе билан хизмат кўрсатишдангина иборатдек туйилса-да, аслида ундай эмас. Икки юздан ортиқ йўловчиларнинг хавфсизлиги, манзилга соғ-саломат етиб келиши уларнинг гарданидаги энг муҳим вазифа. Кимнидир қон босими ошиб кетса, ўзини ёмон ҳис қилса, эрта турғуқ жараёни бошланса, борт масъулиятни бўйнига олиб, шифокорга айланадиган ҳам улар. Ноқулай об-ҳаво ёки техник носозлик туйғули самолёт бирор бошқа ҳудудга қўнғудек бўлса, ўзидан аввал йўловчиларга ёрдан кўрсатадиган қутқарувчи ҳам улар. Ҳар хил миллатга мансуб йўловчиларнинг тилини, қозлаб характерлар эгаларининг кўнглини топадиган психологлар ҳам улар. Букилмас ирода, қатъият, жасурлик бу хушбичим, диловар қизларнинг нима табассумлари ортига яширинган.

Суҳбатимиз давомида Фарангиз "эсон-омон" деган сўзни жуда кўп такрорлади. Ҳақиқатан, йўловчиларни эсон-омон манзилга етказишни шараф деб биладиган касб фидойисининг муроди ҳосил бўлсин. Ёз ёмғиридек майин, тоғ шабадасидек ёқимли овози "Хонимлар ва жаноблар, Ўзбекистонга хуш келибсиз" деган сўзларни такрорлашдан чарчамасин. Самоларда учиб юрган "осмон қизи"нинг йўллари бехатар бўлсин.

МУАССИС:
«Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalarini tahririyati» MChJ

Бош мухаррир:
Мухаммаджон ОБИДОВ.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета "Полиграф-Пресс" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 13 324 нусхада чоп этилади. Бюджетта: 65. Босмахона манзили: Фарғона вилояти, Марейлон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.

Газета сешанба ва жума кунлари чиқади.

★ Баҳоси келишилган нархда.

★ Навбатчи мухаррир: Шоҳсанам Эшматова.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Алишер Розиков.

Босишда топшириш вақти: 19.00.
Топширилди: 18.00.

